Апрель	2 519	11,8	60	4,2	889,9	323,3	30,2	28,2	28,1	21,8
Май	4 210	33,9	160	11,1	892,7	321,0	30,0	29,2	27,8	25,4
Июнь	5 275	70,0	298	26,8	870,5	302,5	29,5	27,4	26,4	21,6
Июль	4 492	52,9	234	20,1	1 063,7	338,8	28,5	22,9	25,9	23,0
Август	8 874	58,0	324	22,2	1 097,6	342,3	27,7	22,4	25,6	23,4
Сентябрь	8 524	67,6	434	28,6	982,4	395,1	27,2	23,6	25,2	23,3
Тошкент шаҳри	162 971	2 267,8	16 256	1 213,3	х	х	х	х	х	х
Январь	13 836	204,8	1 648	115,9	2 704,6	1 553,1	30,3	30,3	29,2	29,2
Февраль	19 714	311,1	2 413	168,1	2 905,0	1 688,5	30,2	30,1	28,1	27,4
Март	21 125	252,5	1 557	114,7	2 920,1	1 677,1	30,0	29,5	27,5	26,1
Апрель	7 136	53,8	560	35,1	2 930,4	1 714,4	29,8	27,3	27,3	24,2
Май	12 246	146,1	1 208	86,9	2 938,8	1 553,3	29,6	28,7	27,0	25,9
Июнь	18 931	308,8	1 996	172,8	4 537,6	1 655,5	28,9	26,8	25,9	22,4
Июль	15 076	263,4	1 980	151,0	5 170,4	1 849,3	27,9	23,0	25,3	22,7
Август	24 862	307,1	2 113	156,7	5 259,4	1 897,7	27,1	22,8	25,0	23,1
Сентябрь	30 045	420,3	2 781	212,2	3 317,9	1 920,6	26,4	23,5	24,7	23,4

5.3.20а-жадвал

2019 йилнинг 9 ойи давомида аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари
(мақсадлар бўйича)

млрд. сўм

Мақсадлар	2019 йил								
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Жами	312,3	723,8	772,5	966,4	1 042,4	1 155,9	1 336,4	1 867,3	827,7
Автотранспорт воситалари харид қилиш учун	180,8	454,5	325,0	401,2	437,0	477,3	575,3	1 176,1	299,6
Мебель ва интерьер буюмлари учун	4,7	12,6	27,4	38,9	31,1	25,7	27,1	26,4	17,2
Маиший техника учун	54,5	123,9	180,7	252,1	264,0	245,0	285,5	251,9	151,1
Тиббий хизматлар учун	0,0	0,1	0,1	0,2	0,2	0,2	1,5	0,2	1,6
Таълим кредитлари	2,0	14,2	50,5	24,7	2,0	1,2	2,0	5,9	16,5
Овердрафт кредитлари	25,9	30,7	36,6	35,1	37,0	38,4	45,6	52,5	60,8
Турар жойни таъмирлашда фойдаланиладиган товарлар учун	2,1	12,9	21,2	27,7	22,5	26,3	33,7	49,6	24,0
Бошқа турдаги истеъмол кредитлари	42,2	74,9	131,1	186,5	248,7	341,8	365,9	304,7	257,0

5.3.206-жадвал

2020 йилнинг 9 ойи давомида аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари
(мақсадлар бўйича)

млрд. сўм

Мақсадлар	2020 йил								
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Жами	923,0	1 591,6	1 182,3	232,0	638,7	1 370,9	1 023,9	1 098,4	1 385,4
Автотранспорт воситалари харид қилиш учун	449,1	707,0	393,5	89,1	260,1	565,5	469,0	451,6	583,1
Мебель ва интерьер буюмлари учун	11,2	21,9	13,4	2,0	3,9	5,7	6,1	4,8	7,9
Маиший техника учун	175,6	284,3	184,8	25,2	80,8	180,7	120,5	125,3	129,8
Тиббий хизматлар учун	0,5	0,2	0,0			0,0	0,0	0,0	0,0
Таълим кредитлари	1,0	2,1	10,9	1,9	5,7	4,1	0,7	1,0	2,5
Овердрафт кредитлари	26,8	37,2	52,3	19,1	33,6	39,2	73,7	64,3	77,2
Турар жойни таъмирлашда фойдаланиладиган товарлар учун	6,1	14,7	13,2	2,5	5,5	9,3	9,8	7,6	11,3
Бошқа турдаги истеъмол кредитлари	252,7	524,1	514,3	92,1	249,0	566,6	344,1	443,8	573,6

5.3.21-жадвал

Аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари қолдиғи
(мақсадлар бўйича)

млрд. сўм

Мақсадлар	01.01.2019 й.	01.04.2019 й.	01.07.2019 й.	01.10.2019 й.	01.01.2020 й.	01.04.2020 й.	01.07.2020 й.	01.10.2020 й.
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Жами	7 621,8	8 410,7	10 605,1	12 732,0	12 479,7	14 022,9	16 934,7	15 099,2
Автотранспорт воситалари харид қилиш учун	3 377,6	3 901,7	4 591,5	5 873,6	5 557,3	6 361,5	6 018,0	7 358,3
Мебель ва интерьер буюмлари учун	545,3	513,1	511,7	504,9	477,3	448,6	301,4	409,4
Маиший техника учун	2 096,8	2 168,4	2 607,4	2 964,3	3 166,0	3 402,3	2 412,8	3 172,9
Тиббий хизматлар учун	3,0	2,3	2,6	3,7	5,7	4,6	3,4	3,1
Таълим кредитлари	380,3	397,9	365,1	336,9	332,7	316,8	282,5	289,4
Овердрафт кредитлари	96,5	75,5	59,9	118,1	124,2	152,4	167,2	223,3
Турар жойни таъмирлашда фойдаланиладиган товарлар учун	530,8	484,6	485,9	544,5	488,6	450,7	418,6	412,9
Бошқа турдаги истеъмол кредитлари	591,5	867,2	1 981,0	2 386,0	2 327,9	2 886,0	7 330,7	3 229,9

VI. ТҰЛОВ ТИЗИМИГА ОИД АСОСИЙ КҰРСАТКИЧЛАР

6.1-жадвал

Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар

млрд. сўм

Давр	Мемориал ордер		Тўлов топшириқномаси		Тўлов талабномаси		Аккредитивга ариза		Инкассо топшириқномаси		Жами	
	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
2019 йил	20 386 490	371 452,9	40 772 792	749 207,2	413 897	775,3	348	117,3	8 669 940	5 383,4	70 243 467	1 126 936,1
Январь	1 621 817	24 256,8	2 784 655	43 504,0	36 121	52,3	10	13,4	519 987	232,3	4 962 590	68 058,9
Февраль	1 746 631	23 312,0	3 045 374	46 669,5	35 462	70,9	26	8,5	585 282	411,8	5 412 775	70 472,6
Март	1 670 622	26 213,6	3 251 039	57 075,6	36 840	61,7	30	6,0	693 082	447,0	5 651 613	83 803,8
Апрель	1 863 191	28 598,7	3 596 303	62 773,2	36 018	53,6	35	12,4	757 576	363,3	6 253 123	91 801,3
Май	1 796 727	30 576,3	3 645 128	66 111,6	37 147	57,2	53	12,2	723 358	381,4	6 202 413	97 138,6
Июнь	1 616 422	32 406,2	3 243 170	62 280,2	35 563	50,1	12	3,5	647 941	291,1	5 543 108	95 031,1
Июль	1 777 552	32 849,2	3 583 876	65 623,9	34 355	55,6	32	10,4	678 083	347,9	6 073 898	98 887,0
Август	1 606 409	32 727,6	3 441 726	64 567,1	35 549	59,9	55	14,6	683 596	478,9	5 767 335	97 848,1
Сентябрь	1 577 597	33 950,6	3 286 004	65 768,2	34 980	69,0	36	12,2	737 065	513,3	5 635 682	100 313,3
Октябрь	1 859 743	37 540,0	3 599 003	69 048,2	33 647	77,2	14	5,3	865 763	530,8	6 358 170	107 201,5
Ноябрь	1 622 204	33 950,4	3 406 478	65 288,9	33 761	71,7	21	7,4	784 713	695,3	5 847 177	100 013,7
Декабрь	1 627 575	35 071,5	3 890 036	80 496,9	24 454	96,1	24	11,4	993 494	690,1	6 535 583	116 366,1
2020 йилнинг 9 ойи	10 036 629	672 009,8	25 209 087	560 187,7	159 567	650,1	242	139,9	3 882 071	4 092,4	39 287 596	1 237 079,9
Январь	1 450 876	38 192,2	3 044 074	60 676,0	17 504	75,4	23	4,1	704 059	333,6	5 216 536	99 281,4
Февраль	1 479 894	36 092,7	3 178 006	61 089,4	17 266	70,7	27	3,7	761 057	616,6	5 436 250	97 873,2
Март	1 251 021	47 564,8	3 354 514	65 306,3	17 019	82,0	16	3,1	712 707	479,2	5 335 277	113 435,4
Апрель	822 831	67 811,0	2 450 489	53 726,9	10 190	52,9	14	5,6	484 012	372,0	3 767 536	121 968,4
Май	971 046	77 508,5	2 612 918	57 619,1	14 733	53,6	12	2,1	456 168	438,1	4 054 877	135 621,3
Июнь	1 055 798	89 769,3	2 793 930	67 648,8	16 883	70,5	44	10,0	204 123	412,0	4 070 778	157 910,6
Июль	1 017 274	100 303,6	2 554 551	64 386,7	17 688	66,2	33	13,7	162 205	697,8	3 751 751	165 467,9
Август	957 482	108 482,3	2 545 770	63 735,2	21 130	79,3	34	19,3	185 824	370,4	3 710 240	172 686,6
Сентябрь	1 030 407	106 285,2	2 674 835	65 999,4	27 154	99,4	39	78,3	211 916	372,8	3 944 351	172 835,1

6.2-жадвал

**Марказий банкнинг ҳисоб-китоб клиринг тизими орқали амалга оширилган
транзакциялар**

млрд. сўм

Давр	Транзакциялар	
	сони	суммаси
1	2	3
2019 йил	81 156 623	20 030,4
Январь	6 368 491	1 118,5
Февраль	6 771 575	1 300,2
Март	6 553 595	1 320,0
Апрель	6 885 355	1 333,3
Май	7 335 244	1 379,8
Июнь	5 894 455	1 032,4
Июль	7 116 439	1 452,9
Август	6 440 346	1 589,7
Сентябрь	6 402 371	2 332,8
Октябрь	7 296 020	2 413,7
Ноябрь	6 703 453	2 058,1
Декабрь	7 389 279	2 699,0
2020 йилнинг 9 ойи	46 953 100	15 654,8
Январь	7 146 572	2 492,0
Февраль	6 966 542	2 493,4
Март	5 855 053	1 750,3
Апрель	1 886 233	720,6
Май	4 776 061	1 652,1
Июнь	5 884 090	1 731,8
Июль	4 213 154	1 351,1
Август	4 459 689	1 501,5
Сентябрь	5 765 706	1 962,1

6.3-жадвал

**Муомалага чиқарилган банк пластик карталари, ўрнатилган
тўлов терминаллари, банкоматлар ва инфокиосклар сони ҳамда тўлов терминаллари
орқали амалга оширилган тўловлар суммаси**

Сана	Муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони	Ўрнатилган тўлов терминаллари сони	Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони	Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси (йил бошидан), млрд. сўм
1	2	3	4	5
01.01.2019 й.	17 686 598	244 913	6 859	63 712,5
01.02.2019 й.	17 929 741	244 660	6 918	4 846,0
01.03.2019 й.	18 562 927	246 144	7 244	9 646,6
01.04.2019 й.	18 192 516	250 200	7 495	15 275,6
01.05.2019 й.	18 541 011	268 985	7 566	20 808,0
01.06.2019 й.	19 622 320	276 616	7 667	26 940,6
01.07.2019 й.	18 855 184	284 020	7 743	33 052,2
01.08.2019 й.	19 276 615	291 455	7 914	39 113,1
01.09.2019 й.	19 694 758	310 481	8 095	45 199,0
01.10.2019 й.	19 821 477	339 588	8 327	51 545,4
01.11.2019 й.	19 858 910	358 861	8 570	58 024,7
01.12.2019 й.	20 143 038	375 127	8 709	64 284,5
01.01.2020 й.	20 547 366	392 361	9 203	71 020,2
01.02.2020 й.	20 774 173	407 278	9 687	6 211,5
01.03.2020 й.	21 008 149	414 551	10 165	11 651,0
01.04.2020 й.	21 105 406	417 192	10 438	17 945,0
01.05.2020 й.	21 290 666	417 792	10 908	23 115,1
01.06.2020 й.	22 381 886	422 894	10 847	29 641,9
01.07.2020 й.	23 283 414	430 534	11 104	36 924,8
01.08.2020 й.	23 472 964	433 190	11 256	43 336,6
01.09.2020 й.	23 641 082	444 266	11 297	50 028,6
01.10.2020 й.	24 077 115	437 231	11 456	57 399,1

6.4-жадвал

Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони

Сана	Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар	Жисмоний шахслар	Жами
1	2	3	4
01.01.2019 й.	359 770	7 599 337	7 959 107
01.02.2019 й.	476 143	8 422 840	8 898 983
01.03.2019 й.	498 601	8 718 926	9 217 527
01.04.2019 й.	498 936	8 872 511	9 371 447
01.05.2019 й.	515 863	9 038 211	9 554 074
01.06.2019 й.	528 212	9 153 882	9 682 094
01.07.2019 й.	546 520	9 236 543	9 783 063
01.08.2019 й.	576 165	9 431 007	10 007 172
01.09.2019 й.	605 638	11 209 504	11 815 142
01.10.2019 й.	616 135	9 744 545	10 360 680
01.11.2019 й.	667 912	9 467 202	10 135 114
01.12.2019 й.	661 740	9 582 821	10 244 561
01.01.2020 й.	691 008	9 462 450	10 153 458
01.02.2020 й.	691 509	9 337 369	10 028 878
01.03.2020 й.	699 901	9 684 076	10 383 977
01.04.2020 й.	699 992	9 685 078	10 385 070
01.05.2020 й.	712 665	10 187 515	10 900 180
01.06.2020 й.	720 830	10 222 625	10 943 455
01.07.2020 й.	738 983	11 223 918	11 962 901
01.08.2020 й.	749 107	11 411 940	12 161 047
01.09.2020 й.	760 468	11 663 686	12 424 154
01.10.2020 й.	740 261	11 579 320	12 319 581

VII. “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ СТАТИСТИК БЮЛЛЕТЕНИ” ЖАДВАЛЛАРИГА МЕТОДОЛОГИК ШАРҲЛАР

I бўлим. Макроиқтисодий кўрсаткичлар

1.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси

Тўлов баланси – бу маълум бир давр мобайнидаги резидент ва норезидентлар ўртасидаги иқтисодий операцияларни жамланма кўринишда акс эттирувчи статистик ҳисобот.

Тўлов балансининг тузилиши Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма”сининг олтинчи нашрига (ТБК 6, 2009 й.) мувофиқ ягона халқаро методология асосида амалга оширилади.

Ҳисоб юритиш тизимининг негизида ҳар бир операцияни иккиёқлама ёзиш (дебет ва кредит) тамойили ётади. Тўлов балансининг ҳар бир операцияси миқдор жиҳатдан ўзаро тенг ва бир-бирига қарама-қарши (кирим ва чиқим операцияларини ифодаловчи) иккиёқлама ёзув кўринишида акс эттирилади.

Жорий операциялар ҳисоби резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги товарлар ва хизматлар экспорти ва импортини, шунингдек бирламчи ва иккиламчи даромадларни акс эттиради.

Жорий операциялар ҳисоби кўрсаткичлари Давлат божхона кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат чегараларини қўриқлаш кўмитаси, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маълумотлари асосида ХВЖ стандартларига мувофиқ ва эксперт баҳолаш орқали ҳисобланган.

Товарлар резидент ва норезидент ўртасида эгалик ҳуқуқининг ўтиши тамойили асосида, товарларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши тўғрисидаги маълумотлар асосида акс эттирилади. Бунда импорт қилинган товарлар қиймати FOB нархларда (экспортёр давлат чегарасигача бўлган транспорт ва суғурта харажатлари ҳисобга олинган ҳолдаги товар қиймати) баҳоланади. Шунга мувофиқ, норезидентлардан хизматлар импорти сифатида транспорт ва суғурта бўйича хизматлар қийматини алоҳида акс эттириш мақсадида товарлар нархлари бўйича тузатишлар амалга оширилади.

Хизматлар ҳисобот даври мобайнида резидентлар томонидан норезидентларга ва норезидентлар томонидан резидентларга кўрсатилган хизматларни акс эттиради.

Бирламчи даромадлар норезидентларнинг резидентларга тўлаган иш хақи бўйича ва инвестицион даромадни (масалан, инвестициялар бўйича дивидендларни) ўз ичига олади.

Иккиламчи даромадлар резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги жорий трансфертларни кўрсатади. Трансфертлар деганда товар, хизмат, молиявий ёки бошқа актив эвазига иқтисодий қийматга эга бўлган бошқа объектни олмаган ҳолда тақдим этиш бўйича операциялар тушунилади.

Капитал операциялар ҳисоби резидентлар ва норезидентлар ўртасида қабул қилиниши ва тўланиши назарда тутилган капитал трансфертларни ҳамда ишлаб чиқарилмаган номолиявий активлар сотиб олиниши ва сотилишини кўрсатади.

Ишлаб чиқарилмаган номолиявий активларга табиий ресурслар, шартномалар, иқтисодий актив деб қабул қилинадиган ижара шартномалари ва лицензиялар, шунингдек маркетинг активларига бўлган ҳуқуқлар киради. Ўз навбатида, капитал трансфертларга капитал активларни ўтказиш, қарздан воз кечиш ва бошқа операциялар киради.

Капитал билан боғлиқ операциялар Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси ва тижорат банкларининг маълумотлари асосида ҳисобланди.

Молиявий ҳисоб Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари ўртасидаги молиявий активлар ва мажбуриятлар билан боғлиқ операцияларни акс эттириб, улар жумласига кредитларни олиш ва сўндириш, қимматли қоғозлар савдоси, инвестиция фаолиятини амалга ошириш ва бошқалар (савдо кредитлари, суғурта, пенсия ва стандарт гарантиялар дастурлари, бошқа дебитор ва кредитор қарздорлик) киради.

Аввалги ҳисоблардан фаркли ўларок, молиявий ҳисобда операциялар дебет ва кредит бўйича иккиёқлама ёзув тамойили асосида эмас, балки актив ва мажбуриятларга бўлинган ҳолда акс эттирилади.

Молиявий ҳисоб бўйича операциялар Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, тижорат банклари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маълумотлари асосида ХВЖ стандартларига мувофиқ ва эксперт баҳолаш орқали ҳисобланган.

Инвестициялар – фойда олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа турдаги мулк, шунингдек пул қийматиغا эга бўлган мулкдорлик ҳуқуқи ва бошқа турдаги ҳуқуқлар.

Захира активлар пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг норезидентларга бўлган алоҳида талабларини ўз ичига олади ҳамда улар чет эл валютасидаги актив бўлиши ва ҳақиқатда мавжуд бўлиши лозим. Захира активларда фақатгина юқори ликвидликка ва сифатга эга активлар ҳисобга олинади.

Хатолар ва йўқотишлар – тўлов балансини тузишда турли хил манбалар маълумотларини бирлаштирган ҳолда тўлов баланси компонентларини алоҳида баҳолаш натижасида унинг ҳисобларида юзага келиши мумкин бўлган номутаносибликлар.

1.2-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестиция позицияси

Халқаро инвестиция позицияси муайян давр боши ва охирига активлар (резидентларнинг норезидентларга талаблари) ва мажбуриятларни (норезидентларнинг резидентларга талаблари) акс эттиради.

Активлар ва мажбуриятлар тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар, ҳосила молиявий инструментлар, мамлакат захира активлари ва бошқа инвестициялардан ташкил топади.

Активлар ва мажбуриятлар қолдиғининг муайян давр боши ва охиридаги мутаносиблиги тўлов балансининг молиявий ҳисобида акс этган операциялар ҳисобига таъминланади. Бунда валюта курслари, активлар қиймати ва молиявий ҳисобда акс этмаган бошқа операциялар қийматининг ўзгариши натижасида юзага келган ўзгаришлар инobatга олинади.

Халқаро инвестиция позициясининг тузилиши ХВЖнинг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма”сининг олтинчи нашрига (ТБК 6, 2009 й.) мувофиқ ягона халқаро методология асосида амалга оширилади.

1.3-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг ташқи қарзи

Ташқи қарз келгусида муайян вақтда (вақтларда) фоизлар ва/ёки асосий қарз бўйича тўлов(лар) амалга оширилишини талаб қиладиган, резидентларнинг норезидентлар олдидаги ҳақиқий (шартли бўлмаган) жорий мажбуриятларининг сўндирилмаган суммасини ифодалайди.

Ташқи қарзга киритилувчи мажбуриятлар ҳақиқатда мавжуд ва сўндирилмаган бўлиши керак. Бунда қарз берувчининг қарздорга бўлган талаби ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Қарз мажбуриятлари одатда тўлов муддати ва шартлари кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилган келишув шартномаси асосида иқтисодий қимматликлар, яъни активлар (молиявий ва номолиявий активлар, шу жумладан товарлар), хизматлар ва/ёки даромадни тақдим этиш натижасида вужудга келади.

Қарз мажбуриятлари қонун асосида ва/ёки келгусида трансферт тўловлари амалга оширилишини талаб қилувчи ҳолатлар натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Қарз мажбуриятлари, шунингдек асосий қарз ва фоизлар бўйича муддати ўтган тўловларни ўз ичига олади. Келгусида иқтисодий қимматликлар тақдим этилишини назарда тутувчи мажбуриятлар, товарларга бўлган эгалик ҳуқуқларининг ўтказилиши, хизматлар кўрсатилиши ёки даромадлар ҳисобланиши амалга оширилгунга қадар, қарздорликни вужудга келтирмайди. Мисол учун, қарз ёки экспорт кредити шартномасига мувофиқ тақдим этилиши лозим бўлган маблағлар ташқи қарзга киритилмайди.

Қарздорнинг қарз берувчи олдидаги қарздорлик суммаси асосий қарз суммаси ҳисобланади. Қарз берувчи томонидан иқтисодий қимматликларнинг тақдим этилиши ёки бошқа йўллар орқали қарз мажбуриятларининг вужудга келтирилиши қарздорнинг асосий сумма бўйича мажбуриятларининг

юзага келишига олиб келади ҳамда ушбу қарздорликнинг миқдори унинг суммаси тўлиқ сўндирилгунга қадар ўзгариб туриши мумкин. Асосий суммадан фойдаланганлик учун қарз инструментлари бўйича фоизлар ҳисобланади (ёки ҳисобланиши мумкин). Ушбу харажатлар қарздор томонидан даврий равишда тўлаб борилган тақдирда, улар фоизларни тўлаш деб қаралади. Асосий қарзнинг сўндирилмаган суммасининг камайишига олиб келадиган ва қарздор томонидан қарз берувчи фойдасига амалга ошириладиган бошқа барча тўловлар асосий қарз бўйича тўловлар дейилади.

Давлат сектори қарзлари давлат секторига кирувчи резидент бирликларнинг бошқа резидентлар ва норезидентлар олдидаги жами қарз мажбуриятларидан ташкил топади.

Кўп томонлама қарз берувчилар ХВЖ ва Жаҳон банки сингари кўп томонлама молиявий ташкилотлар, шунингдек бошқа кўп томонлама ривожланиш банклари ҳисобланади.

Икки томонлама қарздорлик – қарз берувчи томонидан икки томонлама асосда тақдим этилган қарз ва кредитлардир.

Хусусий қарз берувчилар – давлат бошқарув органи ёки давлат сектори муассасаси бўлмаган қарз берувчилардир. Бундай қарз берувчиларга хусусий облигациялар эгалари, хусусий банклар, бошқа хусусий молия муассасалари, шунингдек, ишлаб чиқарувчилар, экспортёрлар ва молиявий талабларга эга бўлган бошқа товар етказиб берувчилар киради.

1.4-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари

ХВЖнинг “Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича қўлланма”сининг олтинчи нашри (ТБК 6, 2009 й.) ва “Халқаро резервлар ва чет эл валютасидаги ликвидлик. Маълумотларни тақдим этиш шакли: асосий тамойиллар” (2013 й.) халқаро захиралар бўйича статистик маълумотларни тайёрлашда услубий асос бўлиб хизмат қилади.

ХВЖнинг мазкур услубий нашрларига мувофиқ, тўлов баланси дефицитини молиялаштиришдаги эҳтиёжларни қондириш, валюта алмашув курсига таъсир кўрсатиш учун валюта бозорларида интервенцияни амалга ошириш ва бошқа шу каби мақсадларда (миллий валюта ва иқтисодиётга бўлган ишонччи таъминлаш ҳамда ташқи қарзлар учун асос бўлиб хизмат қилиш кабилар) пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг эркин тасарруфида бўлган ва улар томонидан назорат қилинадиган ташқи активлар халқаро захиралар (захира активлар) бўлиб ҳисобланади.

Захира активлар – 1.1-жадвалга оид методологик шарҳга қаранг.

Захира активлар монетар олтин, махсус қарз олиш ҳуқуқлари (СДР), ХВЖдаги захира позицияси ва чет эл валютасидаги бошқа захира активлардан ташкил топади.

Маълумотлар ҳисобот даврининг охириги кунида амал қилган Марказий банк томонидан ўрнатиладиган чет эл валюталарининг расмий алмашув курслари, ХВЖнинг расмий сайтида эълон қилинадиган СДРнинг алмашув курси ва Лондон қимматбаҳо металллар биржасининг олтин бўйича эрталабки фиксинг нархи асосида миллион АҚШ доллари эквивалентида тақдим этилади.

Маълумотларни тақдим этиш шаклининг “**Қимматли қоғозлар**” бўлимида юқори ликвидликка эга ҳамда бозорда сотиладиган капиталда иштирокни таъминловчи ва қарз қимматли қоғозлар акс этирилади. Мазкур бўлимда фақатгина норезидентлар томонидан чиқарилган чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ҳисобга олинади.

Депозитлар талабга кўра ишлатилиши мумкин бўлган депозитларни ўз ичига олади. Ликвидлик нуқтаи назаридан мазкур депозитларга одатда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳамда талабга кўра ёки жуда қисқа муддатда депозитнинг қиймати таъсир қилмасдан қайтариладиган муддатли депозитлар киритилади. Захира активлар хорижий марказий банклар, Халқаро ҳисобкитоблар банки ва бошқа норезидент банкларда жойлаштирилган депозитларни ўз ичига олади. Захира активлар таркибидаги депозитлар бўйича кўрсаткичларда, қоидага кўра, пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан норезидент банкларга берилган ва талабга кўра қайтариладиган чет эл валютасидаги қисқа муддатли кредитлар ҳам ҳисобга олинади.

Нақд валютадаги маблағлар “Нақд валюта ва депозитларнинг жами миқдори” бўлимида акс этирилиб, нақд валюта тўловларини амалга оширишда фойдаланиладиган муомаладаги хорижий давлатлар банкнотлари ва тангаларини ўз ичига олади.

ХВЖдаги захира позицияси ўзида биринчидан, ХВЖни хабардор қилиш орқали ундан олинishi мумкин бўлган чет эл валютаси, яъни “захира транши”ни, иккинчидан, ХВЖга аъзо давлат томонидан исталган вақтда фойдаланилиши мумкин бўлган, “Умумий ресурслар ҳисобварағида” акс эттирилувчи ХВЖнинг аъзо давлат олдидаги ҳар қандай қарздорлигини, шу жумладан “Қарзлар тўғрисида бош битим” ва “Қарзлар тўғрисида янги битим” доирасида ҳисобот тақдим этувчи мамлакат томонидан ХВЖга берилган кредитларни акс эттиради. ХВЖга бўлган СДРдаги талаблар, ўз навбатида, чет эл валютасидаги талаблар бўлиб ҳисобланади.

СДР (Махсус қарз олиш ҳуқуқлари) ХВЖга аъзо давлатлар захираларини тўлдириш мақсадида ХВЖ томонидан чиқарилган халқаро захира актив бўлиб, у мамлакатларнинг ташкилотдаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади. СДР бошқа ХВЖга аъзо давлатлардан чет эл валютаси ёки бошқа захира активларни ортиқча шартларсиз олиш ҳуқуқини беради.

“Олтин” бўлимида расмий ташкилотларга тегишли олтин акс эттирилиб, у олтин қуймалари ва олтинни етказиб беришни талаб қилиш ҳуқуқини берувчи норезидентлар билан бўлган олтин ҳисобварақларидаги қолдиқларни ўз ичига олади. Олтин қуймалари камида 995-пробага эга бўлган танга, қуйма ёки бўлақлар шаклида бўлади ва жавобгарлик остида сақлашдаги олтин ҳисобварақлари қолдиқларини ҳам ўз ичига олади. Мазкур бўлимда пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан захира актив сифатида сақланадиган олтин ҳисобга олинади.

Бошқа захира активлар захира активларнинг бошқа категориясига киритилмаган, пул-кредитни тартибга солувчи органлар томонидан эркин ишлатиладиган ликвид активларни ўз ичига олади.

Чет эл валютасидаги бошқа активлар захира активларда ҳисобга олинмаган пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг чет эл валютасидаги ликвид активларини ўз ичига олади. Пул-кредитни тартибга солувчи органларнинг резидентларга бўлган чет эл валютасидаги талаблари чет эл валютасидаги бошқа активларга мисол бўла олади.

II бўлим. Пул-кредит кўрсаткичлари

Мазкур бўлимдаги Марказий банк шарҳи, Бошқа депозит ташкилотлари (тижорат банклари) шарҳи, Депозит ташкилотлари (банк тизими) шарҳи ҳамда пул агрегатларига оид маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) янгиланган таҳрирдаги “Пул-кредит ва молиявий статистикани шакллантириш қўлланмаси”да белгиланган тушунчалар, шакллар ва таснифлардан фойдаланган ҳолда стандарт ҳисобот шакллари асосида тузилади.

2.1-жадвал. Марказий банк шарҳи

Марказий банк шарҳи Марказий банкнинг бухгалтерия баланси ҳисоботи асосида шакллантирилади.

Соф ташқи активлар - Марказий банкнинг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари ва монетар олтин) ҳамда Марказий банкнинг жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидаги мажбуриятлари) орасидаги фарқни ифодалайди.

Монетар олтин – халқаро стандартга мос келувчи олтин.

Норезидентларга бўлган талаблар – Марказий банк кассасидаги нақд чет эл валюта, норезидент банкларда очилган вакиллик ҳисобрақамлари ва депозитларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек ХВЖдаги махсус қарз олиш ҳуқуқлари ва захира позицияси акс эттирилади.

Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар – Марказий банк томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек ХВЖ томонидан тақсимлаб берилган махсус қарз олиш ҳуқуқларини ифодалайди.

Бошқа депозит ташкилотларга бўлган талаблар – Марказий банк томонидан бошқа депозит ташкилотларига (тижорат банкларига) ажратилган кредитлар ҳамда мазкур ташкилотларда очилган вакиллик ҳисобварақларидаги ва депозитларидаги маблағлар акс эттирилади.

Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар – Марказий банкнинг Марказий ҳукуматга бўлган талаблари ҳамда мажбуриятлари орасидаги фарқни кўрсатади.

Марказий ҳукуматга бўлган талаблар – Марказий ҳукумат томонидан чиқарилган ҳамда Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозларни ифодалайди.

Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлар – Марказий ҳукуматнинг Марказий банкдаги депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар акс эттирилади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Марказий банкдаги депозит маблағларини ифодалайди.

Бошқа секторларга бўлган талаблар – Марказий банкнинг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларини ўз ичига олади.

Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар – Марказий банк томонидан бошқа молиявий ташкилотларга ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, бошқа молиявий ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳамда Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозлар, шунингдек Марказий банкнинг бошқа молиявий талаблари акс эттирилади.

Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – Марказий банк томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, маҳаллий давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозлар, шунингдек Марказий банкнинг бошқа молиявий талаблари акс эттирилади.

Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – Марказий банк томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек Марказий банк тасарруфидаги корхона ва ташкилотларга киритилган инвестиция маблағлари акс эттирилади.

Хусусий секторга бўлган талаблар – Марказий банк томонидан хусусий секторга (хусусий ташкилотлар, жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқалар) ажратилган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар, амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда Марказий банк тасарруфидаги қимматли қоғозлар, шунингдек Марказий банкнинг бошқа молиявий талаблари акс эттирилади.

Пул базаси – Марказий банкдан ташқаридаги нақд пулларни, бошқа депозит ташкилотларининг Марказий банкдаги вакиллик ва мажбурий захира ҳисобварақларидаги маблағларни ҳамда бошқа секторларнинг Марказий банкдаги депозитларидаги маблағларни ўз ичига олади.

Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар акс эттирилади ва бунда Марказий банк кассасидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

Бошқа депозит ташкилотлари олдидаги мажбуриятлар – бошқа депозит ташкилотларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳамда мажбурий захира ҳисобварақларидаги маблағларнинг қолдиқлари йиғиндисини ифодалайди.

Мажбурий захиралар – бошқа депозит ташкилотларининг Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварақларидаги маблағлари акс эттирилади.

Вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар – бошқа депозит ташкилотларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлари акс эттирилади.

Бошқа секторлар олдидаги мажбуриятлар – бошқа молиявий ташкилотлар ҳамда давлат номолиявий ташкилотларнинг Марказий банкдаги депозитлари акс эттирилади.

Бошқа депозит ташкилотлари олдидаги бошқа мажбуриятлар – бошқа депозит ташкилотларининг Марказий банкдаги пул базаси таркибига киритилмайдиган депозитлари.

Пул базаси таркибига киритилмайдиган депозитлар ва қимматли қоғозлар – бошқа молиявий ташкилотлар, маҳаллий давлат ташкилотлари, номолиявий давлат ташкилотлари ҳамда хусусий секторнинг пул массаси таркибига кирмайдиган Марказий банкдаги депозитлари

акс эйтирилади. Шунингдек, унда Марказий банк томонидан чиқарилган ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар, маҳаллий давлат ташкилотлари, номолиявий давлат ташкилотлари ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги қимматли қоғозлари ҳам кўрсатилади.

Кредитлар – Марказий банк томонидан бошқа секторлардан олинган кредит маблағлари акс эйтирилади.

Молиявий ҳосилавий инструментлар – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фьючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган зарарлар ёки кечиктирилган даромадлар акс эйтирилади.

Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари – Марказий банкнинг устав ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

Бошқа бўлимлар, соф – таснифланмаган активлар ва пасивлар орасидаги фарк.

2.2-жадвал. Бошқа депозит ташкилотлари (тижорат банклари) шарҳи

Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи тижорат банкларининг бухгалтерия баланси ҳисоботлари асосида шакллантирилади.

Соф ташқи активлар - бошқа депозит ташкилотларининг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари) ҳамда жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидаги мажбуриятлари) орасидаги фаркни ифодалайди.

Норезидентларга бўлган талаблар – бошқа депозит ташкилотлари кассаларидаги нақд чет эл валютаси, норезидент банкларда очилган вакиллик ҳисобварақлари ва депозитларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек норезидентларга ажратилган кредитлар, киритилган инвестициялар ҳамда бўнак (аванс) тўловлари акс эйтирилади.

Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар – бошқа депозит ташкилотлари томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозитлар ва олинган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек субординар қарзларни ифодалайди.

Марказий банкка бўлган талаблар – миллий валютадаги нақд пулларни, захира депозитлари ва қимматли қоғозларни (акциялардан ташқари) ҳамда Марказий банкка бўлган бошқа талабларни ўз ичига олади.

Миллий валютадаги нақд пуллар – бошқа депозит ташкилотлари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пулларни англатади.

Захира депозитлари ва қимматли қоғозларни (акциялардан ташқари) – бошқа депозит ташкилотларининг Марказий банкдаги вакиллик ва мажбурий захира ҳисобварақларидаги маблағларни, шунингдек Марказий банк томонидан чиқарилган ҳамда бошқа депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозларни ифодалайди.

Марказий банкка бўлган бошқа талаблар – бошқа депозит ташкилотларининг Марказий банкдаги пул базаси таркибига киритилмайдиган маблағлари ва Марказий банк томонидан чиқарилган ҳамда бошқа депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозлари акс эйтирилади.

Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар – бошқа депозит ташкилотларининг Марказий ҳукуматга бўлган талаблари ҳамда Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлари орасидаги фаркни кўрсатади.

Марказий ҳукуматга бўлган талаблар – бошқа депозит ташкилотлари томонидан Марказий ҳукуматга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек Марказий ҳукумат томонидан чиқарилган ҳамда бошқа депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозларни ифодалайди.

Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлар – Марказий ҳукуматнинг бошқа депозит ташкилотларидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозитлардаги маблағлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек Марказий ҳукуматдан жалб қилинган кредитларни акс эйтиради.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари – бошқа депозит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан олинган кредит маблағларини ифодалайди.

Бошқа секторларга бўлган талаблар – бошқа депозит ташкилотларининг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларини ўз ичига олади.

Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар – бошқа депозит ташкилотларининг бошқа молиявий ташкилотларга ажратган кредит ва лизинглари ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек киритган инвестициялари акс эттирилади.

Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – бошқа депозит ташкилотлари томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек маҳаллий давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозлар кўрсатилади.

Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – бошқа депозит ташкилотларининг номолиявий давлат ташкилотларига ажратган кредит ва лизинглари ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритган инвестициялари ҳамда амалга оширган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек номолиявий давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа талаблар акс эттирилади.

Хусусий секторга бўлган талаблар – бошқа депозит ташкилотлари томонидан хусусий секторга (хусусий ташкилотлар, жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқалар) ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда бошқа депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа талаблар кўрсатилади.

Марказий банк олдидаги мажбуриятлар – Марказий банкнинг бошқа депозит ташкилотларида очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағларни, шунингдек бошқа депозит ташкилотларининг Марказий банкдан олган кредитларини ифодалайди.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритиладиган талаб қилиб олингунча депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг бошқа депозит ташкилотларидаги талаб қилиб олингунча депозитлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритиладиган бошқа депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг жамғарма, муддатли ва бошқа депозитлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритиладиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – бошқа депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги жамғарма ва муддатли депозит сертификатлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар ифодаланади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритилмайдиган депозитлар – Маҳаллий давлат ташкилотларининг бошқа депозит ташкилотларидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма ҳамда муддатли депозитларидаги маблағларини ўз ичига олади.

Кенг маънодаги пул массаси таркибига киритилмайдиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – бошқа депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги облигациялар ифодаланади.

Кредитлар – бошқа депозит ташкилотларининг бошқа секторлардан олган кредит маблағлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизлари йиғиндисини кўрсатади.

Молиявий ҳосилавий инструментлар – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фьючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган зарарлар ёки кечиктирилган даромадлар акс эттирилади.

Суғурта техник захиралар – фуқароларнинг “Халқ банки”даги шахсий жамғариб бориладиган нафақа маблағлари йиғиндисини кўрсатади.

Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари – бошқа депозит ташкилотларининг устав ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

Бошқа бўлимлар, соф – таснифланмаган активлар ва пассивлар орасидаги фарк.

2.3-жадвал. Депозит ташкилотлари (Банк тизими) шарҳи

Мазкур шарҳ “Марказий банк шарҳи” ва “Бошқа депозит ташкилотлари шарҳи” жадвалларидаги маълумотларни консолидация (умумлаштириш) қилиш асосида шакллантирилади. Консолидация (умумлаштириш) қилиш Марказий банк ва бошқа депозит ташкилотлари орасидаги ўзаро талабларни ва мажбуриятларни чегириб ташлаш ҳамда уларнинг иқтисодийнинг бошқа секторлари ва норезидентлар билан операцияларини жамлаш орқали амалга оширилади.

Соф ташқи активлар – депозит ташкилотларининг жами ташқи активлари (норезидентларга бўлган талаблари ва монетар олтин) ҳамда жами ташқи мажбуриятлари (норезидентлар олдидаги мажбуриятлари) орасидаги фаркни ифодалайди.

Монетар олтин – халқаро стандартга мос келувчи олтин.

Норезидентларга бўлган талаблар – депозит ташкилотларининг кассаларидаги нақд чет эл валютаси, норезидент банкларда очилган вакиллик ва депозит ҳисобварақларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, норезидентларга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда бўнак (аванс) тўловларини ўз ичига олади. Шунингдек, унда Марказий банкнинг ХВЖдаги махсус қарз олиш ҳуқуқлари ва захира позицияси ҳам акс эттирилади.

Норезидентлар олдидаги мажбуриятлар – депозит ташкилотлари томонидан норезидентлардан жалб қилинган депозит маблағлари ва олинган кредит маблағлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, субординар қарзлар ҳамда ХВЖ томонидан тақсимлаб берилган махсус қарз олиш ҳуқуқларини ифодалайди.

Ички талаблар – депозит ташкилотларининг Марказий ҳукуматга бўлган соф талабларини ҳамда бошқа секторларга бўлган талабларини ифодалайди.

Марказий ҳукуматга бўлган соф талаблар – депозит ташкилотларининг Марказий ҳукуматга бўлган талаблари ҳамда Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлари орасидаги фаркни кўрсатади.

Марказий ҳукуматга бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан Марказий ҳукуматга ажратилган кредитлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, шунингдек Марказий ҳукумат томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозларни ифодалайди.

Марказий ҳукумат олдидаги мажбуриятлар – Марказий ҳукуматнинг депозит ташкилотларидаги депозитларидаги маблағлар ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни, шунингдек Марказий ҳукуматдан жалб қилинган кредитларни акс эттиради.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари – депозит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан жалб қилинган депозит ва олинган кредит маблағларини ифодалайди.

Бошқа секторларга бўлган талаблар – депозит ташкилотларининг бошқа молиявий ташкилотларга, маҳаллий давлат ташкилотларига, номолиявий давлат ташкилотларига ҳамда хусусий секторга бўлган талабларини ўз ичига олади.

Бошқа молиявий ташкилотларга бўлган талаблар – депозит ташкилотларининг бошқа молиявий ташкилотларга ажратган кредит ва лизинглари ҳамда уларга киритган инвестицияларини акс эттиради.

Маҳаллий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан маҳаллий давлат ташкилотларига ажратган кредитлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларини ифодалайди.

Номолиявий давлат ташкилотларига бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан номолиявий давлат ташкилотларига ажратилган кредит ва лизинглари ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек

номолиявий давлат ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа талабларни ўз ичига олади.

Хусусий секторга бўлган талаблар – депозит ташкилотлари томонидан хусусий секторга (хусусий ташкилотлар, жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқалар) ажратилган кредит ва лизинглар ҳамда уларга ҳисобланган фоизлар, киритилган инвестициялар ҳамда амалга оширилган бўнак (аванс) тўловлари, шунингдек хусусий сектор томонидан чиқарилган ҳамда депозит ташкилотлари тасарруфидаги қимматли қоғозлар ва бошқа талаблар акс эттирилади.

Кенг маънодаги пул массаси – муомаладаги (банк тизимидан ташқаридаги) нақд пуллар, талаб қилиб олингунча ва бошқа депозитлар, шунингдек қимматли қоғозларни (акциялардан ташқари) ўз ичига олади.

Муомаладаги (банк тизимидан ташқаридаги) нақд пуллар – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган барча нақд пуллар бўлиб, бунда Марказий банк ҳамда тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

Талаб қилиб олингунча депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг депозит ташкилотларидаги талаб қилиб олингунча депозитлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларини ўз ичига олади.

Бошқа депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг депозит ташкилотларидаги жамғарма, муддатли ва бошқа депозитлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

Қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий сектор тасарруфидаги жамғарма ва муддатли депозит сертификатлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

Пул массаси таркибига киритилмайдиган депозитлар – маҳаллий давлат ташкилотларининг бошқа депозит ташкилотларидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма ҳамда муддатли депозитларини ўз ичига олади.

Пул массаси таркибига киритилмайдиган қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари) – депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда давлат номолиявий ташкилотлар ва хусусий сектор эгалик қилувчи облигацияларни ифодалайди.

Кредитлар – депозит ташкилотлари томонидан бошқа секторлардан жалб қилинган кредит маблағлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни акс эттиради.

Молиявий ҳосилавий инструментлар – форвард шартномалари, шунингдек опцион ва фьючерслар ревальвацияси натижасида ҳамда своплар бўйича ҳисобланмаган зарарлар ёки кечиктирилган даромадлар акс эттирилади.

Суғурта техник захиралар – фуқароларнинг “Халқ банки”даги шахсий жамғариб бориладиган нафақа маблағлари йиғиндисини кўрсатади.

Акциялар ва капиталдаги иштирокнинг бошқа шакллари – депозит ташкилотларининг устав ва резерв капитали, девальвация захираси ҳамда тақсимланмаган фойдасини ўз ичига олади.

Бошқа бўлимлар, соф – таснифланмаган активлар ва пасивлар орасидаги фарк.

2.4-жадвал. Пул агрегатлари

Пул агрегатлари Халқаро валюта жамғармасининг “Пул-кредит ва молиявий статистикани шакллантириш қўлланмаси” стандартларига мувофиқ Марказий банк бухгалтерия баланси ҳисоботи ҳамда бошқа депозит ташкилотларининг (тижорат банклари) жамланма бухгалтерия баланси ҳисоботлари асосида шакллантирилади.

Кенг маънодаги пул массаси (M2) – миллий валютадаги пул массаси ҳамда чет эл валютасидаги депозитлардан иборат.

Миллий валютадаги пул массаси – ўз ичига Пул массаси (M1) ҳамда миллий валютадаги бошқа депозитларни олади.

Тор маънодаги пул массаси (M1) – муомаладаги нақд пуллар ва миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозитларни ифодалайди.

Муомаладаги нақд пуллар (М0) – Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар бўлиб, бунда Марказий банк ҳамда тижорат банклари кассаларидаги миллий валютадаги нақд пуллар ҳисобга олинмайди.

Миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг (хусусий ташкилотлар, жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва бошқалар) миллий валютадаги талаб қилиб олингунча депозитларини ифодалайди.

Миллий валютадаги бошқа депозитлар ва қимматли қоғозлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг миллий валютадаги жамғарма, муддатли ва бошқа депозитлари ҳамда уларга ҳисобланган фоизларни, депозит ташкилотлари томонидан чиқарилган ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ва хусусий сектор тасарруфидаги жамғарма ва муддатли депозит сертификатлари, шунингдек уларга ҳисобланган фоизларни ифодалайди.

Чет эл валютасидаги депозитлар – бошқа молиявий ташкилотлар, давлат номолиявий ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ҳамда бошқа депозитлари, шунингдек уларга ҳисобланган фоизларни акс эттиради.

III бўлим. Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий кўрсаткичлари ва инструментлари

3.1-жадвал. Марказий банкнинг асосий фоиз ставкаси

Асосий фоиз ставкаси – тижорат банклари учун қарз олиш фоиз ставкасини ҳамда қарз олувчилар учун кредит харажатларини белгилаб берувчи фоиз ставкаси.

Асосий фоиз ставкаси ўзгариши банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларига таъсир кўрсатади.

3.2-3.5-жадваллар. Мажбурий резервлар нормативлари

Мажбурий резервлар – тижорат банклари томонидан Марказий банкда алоҳида очилган ҳисобвараққа мажбурий тартибда миллий валюта ва чет эл валютасида депозитга ўтказилган пул маблағлари. Марказий банк тижорат банкининг резерв шакллантириладиган мажбуриятларига нисбатан фоиз миқдорини ўрнатади.

Мажбурий резервлар норматив миқдори резерв шакллантириладиган мажбуриятларнинг ҳисоб-китоб давридаги ўртача миқдорига мажбурий резервлар нормативини кўпайтириш орқали ҳисобланади.

3.6-жадвал. Мажбурий резервлар қолдиғи

Мажбурий резервлар қолдиғи – тижорат банклари томонидан Марказий банкда алоҳида очилган ҳисобвараққа миллий ва чет эл валютасида ўтказилган мажбурий резервларнинг маълум бир сана ҳолатига қолдиқлари.

3.7-3.9 жадваллар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказилган депозит, валютавий своп ҳамда РЕПО аукционлари натижалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан депозит аукционлари “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 3079, 2018 йил 25 октябрь), валютавий своп аукционлари “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 1839, 2008 йил 28 июнь), РЕПО аукционлари “Ўзбекистон Республикасининг Давлат қимматли қоғозлари билан РЕПО битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами 1829, 2008 йил 15 март) низомларга асосан ўтказилиб борилади.

Марказий банк томонидан амалга ошириладиган ушбу операциялар тижорат банкларига ликвидлик бериш ёки жалб қилиш мақсадида амалга оширилади.

Аукцион ўтказилиши тўғрисидаги маълумот аукцион ўтказиладиган кундан камида бир иш куни олдин Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Депозит аукциони – тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банк томонидан тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган кимошди савдолари.

